

Бақара сураси, 17-оят

12:11 / 11.07.2017 6152

Улар ўт ёққан ва у энди атрофини ёритганида, Аллоҳ нурларини кетказиб, қоронғи зулматларда қолдирган кишиларга ўхшарлар. Улар кўрмаслар. Бақара 17

Ушбу ояти карима мунофиқларнинг сифатларини зарбулмасал усулида янада аниқлаштироқда. Мисол шулки, бир одам олов ёқди. Ёққан олови энди атрофини ёритган пайтда Аллоҳ таоло у оловнинг нурини кетказиб, ўт ёққан киши яна қоронғи зулматлар ичида қолди. Ҳақиқатан ҳам, мунофиқлар кофирларнинг зидди ўлароқ, аввал бошдан Ислом даъватини эшитдилар. Ислом-иймон калималарини нутқ қилдилар, ҳатто яхшигина қулоқ осдилар, «Иймон келтирдик», дедилар, ибодат ҳам қилдилар. Кейин эса ҳаммасини ташлаб, инкор қилиб, куфр, нифоқ, шак-шубҳа зулматларида қолиб кетдилар.